

“ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК МЕХАНИЗМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Абдулхаев Улугбек

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17842405>

Аннотация. Ушбу Мақолада “яшил” иқтисодиётни ривожлантиришда давлат-хусусий шериклик муносабатларининг аҳамиятли жиҳатларига эътибор қаратилган.

“Яшил” иқтисодиёт концепцияси, унинг моҳияти очиб берилган, исрофгар бизнес моделидан экологик тоза моделга ўтиш имконини берувчи “яшил” технологияларни жорий этиш муҳимлиги асосланган. Аксарият мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда кенг тарқалган “яшил” иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Таянч сўз ва иборалар: “яшил” иқтисодиёт, Давлат-хусусий шериклик механизми, яшил энергия банк-молия маҳсуллари, яшил кредитлар.

Кириш.

“Яшил” иқтисодиёт моделига ўтишда давлатхусусий шериклик механизмидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибасидан исботланмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологияга оид лойиҳаларини амалга ошириш муаммолари, биринчи навбатда, давлат маблағларининг ҳам, хусусий бизнеснинг молиявий ресурслари етишмаслиги билан боғлиқдир. Бугунги кунда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги иқтисодиётнинг “яшил” ўсишини таъминлашга йўналтирилган инвестицияларни жалб этишнинг самарали механизмини шакллантирмоқда.

Шунингдек, иқтисодиётнинг “яшил” ўсишига йўналтирилган Давлат хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳаларини амалга оширишда учта асосий тармоқ энг катта улушга эга бўлмоқда: – қайта тикланадиган манбаларга асосланган энергия; – сув таъминоти ва канализация; – қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш. Айнан шу соҳаларда Жаҳон банки тузилмалари томонидан бутун дунё бўйлаб инвестицион лойиҳалар учун асосий молиявий ёрдам ажратилмоқда. Мамлакатимизда «Яшил иқтисодиёт» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш орқали 2026 йилга қадар иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш ва ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини 20 фоизга қисқартириш, «Яшил» иқтисодиётга ўтиш лойиҳаларини молиялаштирувчи халқаро молиявий институтлар ва бошқа «донор» ташкилотларнинг маблағларини йўналтириш1 орқали лойиҳаларни молиялаштиришга оид ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда дунё аҳолиси 8 миллиарддан зиёдни ташкил этмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дунё аҳолиси 2050 йилда 9,7 миллиардга, 2100 йилга бориб эса 11 миллиардга етиши борасидаги прогнозлари мавжуд. Натижада эса ресурслар ҳажми тобора камайиб бораётган бир вақтда иқтисодиётнинг бош муаммоси ҳисобланган эҳтиёжларнинг мунтазам ўсишда давом этаётганлиги, яъни иқтисодиётнинг бош муаммоси кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Бунга ҳамоҳанг тарзда жаҳондаги иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ муаммолар доираси ҳам кенгайишда давом этмоқда. Натижада бошқа томондан озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар кўлами ҳам кенгаймоқда.

Ўзбекистонда ҳам аҳоли сонининг мунтазам ўсиб бораётганлиги, сув танқислиги билан боғлиқ ҳолда қишлоқ хўжалиги соҳаларида муаммоли ҳолатлар юзага келаётганлиги, натижада гўшт, картошка, ёғ маҳсулотлари, шакар маҳсулотлари кабилар импортининг мунтазам ошиб бораётганлиги, энергетик коллапсларга йўл қўймаслик кабилар мамлакатимизда ҳам яшил иқтисодиётга ўтиш жараёнини тобора жадаллаштиришни талаб қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра “2030 йилга бориб Ўзбекистонга 7 миллиард куб метр сув етишмайди”. Германиянинг Statista таҳлилий статистика компанияси прогнозларига 2040 йилга бориб дунёнинг 44 та мамлакатидега экстремал даражада юқори (>80) даражада сув танқислиги кузатилади.

Афсуски бу рўйхатда Марказий Осиё давлатлари ҳам мавжуд. Келтирилган жиҳатлар боис халқаро ташкилотлар ва алоҳида ҳукуматлар томонидан иқлим ўзгаришларига қарши фаол амалий ишлар бошлаб юборилган бўлса, бошқа томондан иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини яшил иқтисодиётга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Илмий муаммонинг қўйилиши.

Яшил иқтисодиётга икки жиҳатдан қараш мумкин: – биринчидан, иқтисодий имкониятларни кенгайтиришга ёрдам берувчи ва экологик барқарорлик ва ижтимоий фаровонликка зид келмайдиган иқтисодиёт сифатида; – иккинчидан, экологик мақсадларга эришишга ҳисса қўшадиган, ижтимоий-иқтисодий имкониятларнинг янги шакллари таъминлай оладиган иқтисодиёт сифатида. Яшил иқтисодиётни ривожлантириш юқори бандликни таъминлаш, аҳоли даромадларини тенг тақсимлаш имконини берувчи яшил ўсиш моделига асосланади. Табиат билан минимал ўзаро таъсирга эга бўлган даромад, яъни табиий ресурсларни қайтариб бўлмайдиган тарзда йўқ қилишни камайтириш. Яшил ўсиш концепциясининг асосий ғояси иқтисодий ривожланиш мақсадлари экологик мақсадларга мувофиқ бўлиши кераклигига асосланади. Яшил ўсишни таъминланинг асосий йўналишлари истеъмол қилинадиган ресурсларни камайтириш ва улардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва чиқиндиларни камайтириш орқали табиий муҳитга салбий таъсирни камайтиришга қаратилган «яшил» технологиялардир. «Яшил» иқтисодиёт, табиий ресурсларни истеъмол қилишга асосланган иқтисодиётдан (қўнғир иқтисодиёт) фарқли ўлароқ, қисқа муддатда ялпи ички маҳсулот, аҳоли жон бошига бандлик ва даромадларни ресурс иқтисодиётига қараганда бир хил ёки ундан юқори суръатларда ўсишига имкон беради. Узок муддатли истиқболда у табиий муҳит ҳолатини яхшилаши ва ижтимоий тенгсизликни камайтириши мумкин. “Яшил” иқтисодиётни қуйидагича тавсифлаш мумкин: ресурслар ва энергияни тежаш; кам ҳавони ифлослантириш; тоза ва ижтимоий жиҳатдан адолатли. Бинобарин, “яшил” технологиялар асосан “яшил” иқтисодиётнинг асоси сифатида ҳаво, сув, ернинг ифлосланишига қарши курашиш, қайта тикланадиган манбалардан электр энергияси ишлаб чиқариш, энергия самарадорлиги, зарарли чиқиндиларни камайтириш, чиқиндиларни бошқариш тизими, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш каби соҳаларда ривожлантирилмоқда. Юқорида келтирилган тадқиқотларга таянган ҳолда эътироф этиш мумкинки, аксарият мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда “яшил” иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий йўналишларининг қуйидагилари ҳозирда муҳим илмий аҳамият касб этмоқда:

- экотизимларни сақлаш ва самарали бошқариш;
- энергетикани қайта тикланадиган манбалардан фойдаланишга ўтказиш;
- уй-жой коммунал хўжалиги ва бошқа тармоқларда энергия самарадорлигини ошириш;
- транспортда экологик тоза технологиялардан фойдаланиш;
- ҳаво ва сув ресурсларини бошқариш, уларни тозалаш;
- чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш;
- органик деҳқончилик ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши;
- янги туристик йўналишларни, шу жумладан экотуризмни ривожлантириш.

Таҳлил ва натижалар.

Исрофгарчиликка асосланган бизнес моделидан воз кечиш орқали “яшил” иқтисодиётга ўтиш хўжалик юритувчи субъектларнинг экологик хатти-ҳаракатларини рағбатлантирувчи янги иқтисодий қоидаларни жорий этишни талаб қилади. Хусусий сектор “яшил” технологияларга асосланган лойиҳаларга катта қизиқиш билдирмоқда, чунки бу ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади ва келажакда рақобатбардош устунликни белгилайди. Давлат ўз функцияларини амалга оширар экан, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва фуқароларнинг ҳаёт сифатини оширишдан ҳам манфаатдор. Бироқ, давлат сектори ҳам, хусусий бизнес ҳам кўпинча бундай лойиҳаларни амалга ошириш учун етарли молиявий ресурсларга эга бўлмайди. Давлатхусусий шериклик (ДХШ) механизми асосида давлат ва хусусий томонларнинг ресурслари, имкониятлари ва саъй-ҳаракатларини тўплаш, бунда томонлар тенг манфаатдор шериклар сифатида ҳаракат қилади, бунда давлат ва хусусий шерикликка ўтиш доирасида лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш мумкин. Шу билан бирга, давлат-хусусий шерикликнинг «яшил» иқтисодиёт модели деганда “яшил” иқтисодиёт тамойилларига ўтиш жараёнини жадаллаштириш имконини берувчи давлат ва хусусий сектор субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш механизми тушунилиши керак. ДХШ инвестицияларни жалб этишнинг самарали механизми сифатида “яшил” иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган молиявий муносабатлардир. Бу хусусий сектор ресурслари ва банкларнинг, жумладан, халқаро молия институтларининг кредит ресурсларини экологик ва “яшил” лойиҳаларга жалб этиш имконини беради.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда “яшил” иқтисодиётни ривожлантиришга ҳисса қўшадиган инфратузилмавий ДХШ лойиҳаларини молиялаштириш бўйича муайян тажриба тўпланмоқда. Халқаро ташкилотлар, биринчи навбатда Жаҳон банки тузилмалари томонидан электр энергия, сув таъминоти ва канализация, қаттиқ маиший чиқиндилар каби соҳалардаги экологик лойиҳалар устувор молиявий ёрдам ажратмоқда. Айнан яшил иқтисодиёт ресурс тежамкорлигига имкон бериш билан бирга аҳоли ўсиши фонида ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш билан бирга турмуш фаровонлиги юксалишига ҳам хизмат қилади. Бу борада иқтисодиётнинг муҳим бўғини ҳисобланган энергетика тизимини яшил иқтисодиёт принциплари асосида ривожлантириш глобал миқёсда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-57-сонли Қарори ҳам муҳим амалий қадамлардан бўлди.

Миллий “иқтисодиётимизда энергия сарфи бошқа давлатлардан икки баробар юқори” 3 бўлиб турган бир вақтда яшил энергияга ўтишнинг зарурлигини тақозо этмоқда.

Қайта тикланувчи энергияга жадал тарзда ўтиш иқтисодиёт ва жамият учун икки томонлама самара келтиради. “Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш, истеъмолчиларни муқобил энергияга ўтказиш ва энергия тежамкор технологияларини жорий қилиш орқали 2023 йилда қўшимча 5 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш ва 4,8 миллиард метр куб табиий газни иқтисод қилиш” 4 имконини беради. Натижада бир томондан табиий газ тежаш имконияти ортса, иккинчи томондан ҳавога карбонат ангидрид газини чиқарилиши камаяди. Энди бевосита яшил энергияга ўтишни молиялаштириш масаласига тўхталиб ўтсак, ушбу мақсадларга жами 15,4 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни йўналтириш кутилмоқда. Бунда молиялаштириш манбалари қуйидагича. Келтирилган 1-расмдан аён бўлмоқдаки, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш, истеъмолчиларни муқобил энергияга ўтказиш ва энергия тежамкор технологияларни жорий қилишни молиялаштиришда давлат-хусусий шериклик доирасида хусусий инвесторлар маблағлари йўналтириладиган барча маблағларнинг 87 фоизини ташкил этиши кутилмоқда.

Бундан ҳам хусусий бизнес ютади, ҳам давлат. Шунингдек, тижорат банкларининг 1,1 миллиард долларлик кредит маблағлари, 610 миллион долларлик корхоналарнинг ўз маблағлари, 150 миллион долларлик хорижий молиявий ташкилотлар маблағлари ва давлат бюджетидан 100 миллион долларлик маблағлар яшил энергетика мақсадларида йўналтирилиши белгиланган. Алоҳида қайд этиш керакки, бунда давлат бюджети маблағлари бюджет ташкилотларининг яшил энергияга ўтиши учун йўналтирилади. 2025 йилда давлат-хусусий шериклик асосида йирик қувватли қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича 27 лойиҳа амалга оширилиши кутилмоқда. Шунингдек, 2025 йилда давлатхусусий шериклик асосида йирик қувватли қуёш ва шамол электр станцияларини электр узатиш тармоқларига улаш бўйича лойиҳаларнинг манзилли рўйхати ҳам тасдиқланган. Бунда Давлатхусусий шериклик асосида қуёш ва фото электр станцияларини қуриш ва ишга тушириш борасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий компаниялар, хусусан Франция, Хитой, Швейцария, Бирлашган Араб Амирлиги, Саудия Арабистони кабилар компаниялари билан ҳамкорлик йўлга қўйилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бугунги кунда Бирлашган Араб Амирлигининг Masdar компанияси томонидан 1,16 миллиард АҚШ долларига тенг 4 та лойиҳа давлатхусусий шериклик шартлари асосида амалга ошириб келинмоқда. Мазкур лойиҳаларнинг биринчи навбати жорий 2023 йил декабрда ишга тушиши кутилмоқда. Саудия Арабистонининг ACWA Power компанияси томонидан эса 1,307 миллиард АҚШ долларига тенг 3 та лойиҳа ҳам худди шундай шартлар асосида амалга ошириб келинмоқда. Бунда ишлаб чиқарилган электр энергияси давлат томонидан кафолатли сотиб олиниши белгиланганлигини алоҳида қайд этиб ўтишимиз лозим. Masdar компанияси Ўзбекистондаги лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молия институтларидан кредит маблағлари жалб қилиб Ўзбекистонда амалга ошириладиган лойиҳалар учун маблағлар Masdar компанияси томонидан халқаро молия институтларидан жалб қилинаётганлигини таъкидлашимиз лозим.

Бунда Ўзбекистон томонининг мажбурияти давлатхусусий шериклик нуктаи назаридан кафолатлар сотиб олишни ўзида намоён қилади. Бундай давлат-хусусий шерикликни молиялаштириш механизмларини кўплаб ривожланаётган мамлакатлар тажрибаларида учратиш мумкин. Яшил иқтисодиёт ривожлантириш жараёнларида давлат-хусусий шериклик механизмларини кенгроқ қўллаш бундай иқтисодиётни мамлакатда тезроқ жорий этишга кенгроқ йўл очади. Мамлакатимизда энергетика соҳасида жуда йирик давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга оширилмоқда. Энергетика соҳасида давлатхусусий шериклик лойиҳаларида “яшил энергия” банк молия маҳсуллари жорий этиш ҳисобига хусусий инвесторларни молиявий қўллабқувватлаш орқали лойиҳаларга жалб этиш, бундай механизмларни кенгайтириш имконини беради. Шу билан бирга ДХШ лойиҳаларини молиявий молиялаштиришда янги ва арзон молиявий ресурслардан фойдаланиш имконини оширади. Мамлакатимизда тижорат банклари томонидан ҳам қуёш панеллари сотиб олиш учун фаол тарзда кредитлар ажратилмоқда. Бугунги кун амалиётида жаҳон миқёсида яшил иқтисодиётга ўтишда яшил кредитлардан ташқари яшил молиялаштиришнинг бошқа кўплаб инструментлари ҳам қўлланилмоқда. Жумладан, яшил ва кўк облигациялар, яшил суғурта, яшил бюджет, яшил сукук кабилар шулар жумласидандир. 2022 йилда яшил облигациялар эмиссияси 1 триллион АҚШ долларида ошган бўлса, 2025 йил якунида 5 триллион АҚШ доллари етиши кутилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам бу борада амалий ишларни бошлаш лозим. Ўзбекистонда яшил энергетика лойиҳаларини амалга ошираётган Саудия Арабистонининг ACWA Power компанияси ҳам бу борада 2025 йилда 2,4 миллиард АҚШ доллари миқдори эквивалентида сукук эмиссия қилганлигини алоҳида қайд этилганлигини таъкидлаш лозим. Шунингдек яшил иқтисодиётни молиялаштиришда суверен ва корпоратив сукук билан бир вақтда хорижий мамлакатларда суверен яшил сукук ва корпоратив яшил сукук муваффақиятли жойлаштиришдан фаол фойдаланилмоқда. Энергия ислохотини жадаллаштириш, бунда энергиядан тежаб фойдаланишга рағбатлантирувчи механизмларни жорий этиш лозим.

Мамлакатимизда энергия сарфи кескин юқори шароитда тезкор амортизацияга ҳам рухсат беришимиз лозим. Чунки технологияларнинг мунтазам янгиланиб бориши бир томондан самарадорликни оширса, иккинчи томондан энергия сарфини камайтиради. Бу борада Сингапурнинг технологик ва яшил тараққиёти ҳар томонлама ўрганишга арзигулик.

Умуман, яшил молиялаштириш кўламини ошириш яшил иқтисодиётга ўтишнинг жадаллашувига хизмат қилади. Шу боисдан ҳам юқоридагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда «Яшил иқтисодиёт» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш долзарб ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар.

Амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижасида, яшил иқтисодиётни ривожлантиришда давлат-хусусий шериклик механизмларидан фойдаланиш борасида қуйидаги таклифларни киритишимиз мумкин:

- Энергия ислохотини жадаллаштириш, бунда энергиядан тежаб фойдаланишга рағбатлантирувчи механизмларни жорий этиш лозим. Миллий иқтисодиётда энергия сарфи

бошқа давлатлардан 2 баробар юқори шароитида тезкор амортизацияга рухсат бериш мақсадга мувофиқ.

- Энергетика соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида “яшил энергия” банк молия маҳсуллари жорий этиш орқали хусусий инвесторларни молиявий қўллаб-қувватлаш, натижада инвесторларни лойиҳаларга жалб этиш кўламини кенгайтириш имконини беради. Шу билан бирга ДХШ лойиҳаларини молиялаштиришда янги ва арзон молиявий ресурслардан фойдаланиш имконини оширади.

- Технологияларнинг мунтазам янгиланиб бориши бир томондан самарадорликни оширс, иккинчи томондан энергия сарфини камайтиради. Бу борада Сингапурнинг технологик ва яшил тараққиёти ҳар томонлама андаза олишга арзигулик.

- Сувдан оқилана фойдаланишни рағбатлантирувчи дастаклардан самарали фойдаланиш лозим.

- Ижтимоий соҳа объектларининг локал иситиш тизимларини, иссиқхона ва қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни, цемент ишлаб чиқарувчи корхоналарни кўмир ёқилғисига ўтказиш, давлат-хусусий шериклик асосида кўмир когенерацион технологияларини жорий этиш орқали марказлашган иссиқлик энергияси билан таъминлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш оқибатлари ҳисобга олиниши лозим.

- Яшил иқтисодиётни молиялаштиришда бюджет маблағлари сарфланиши ҳар доим ҳам самарали эмас, бу соҳани бозор принципларига ўтказиш лозим.

- Молиялаштиришнинг яшил инструментларини фаол жорий этиш учун ҳам анъанавий бозорни соғлом рақобат асосида ривожлантириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.
2. Hoshen S., Hasan N., Hossain S., Mamun A.A., Mannan A., Mamun A.A. Green Financing: An Emerging Form of Sustainable Development in Bangladesh // Journal of Business and Management (IOSR-JBM). 2017. №12. PP. 24–30. www.iosrjournals.org DOI: 10.9790/487X-1912072430.
3. Похвощев В.А, Лукина А.В. «Зеленая экономика» в социальном развитии России // МИР (Модернизация. Инновации. Развитие). 2014. №1 (январь–март). С. 70–74.
4. Муминов Н.Г., Кадыров А.А. Особенности и факторы развития «зелёных» инвестиций // Экономика и финансы, № 2 (162), 2023.— С.42-49. DOI: 10.34920/eIf/vOL_2023_ISSue_2_6
5. Dudin, M.N.; Frolova, E.E.; Protopopova, O.V.; Mamedov, O.; Odintsov, S.V. Study of innovative technologies in the energy industry: nontraditional and renewable energy sources // Entrepreneurship and Sustainability Issues 2019. 6(4). PP. 1704–1713. [https://doi.org/10.9770/jesi.2019.6.4\(11\)](https://doi.org/10.9770/jesi.2019.6.4(11)).
6. Гассий В.В. Роль государственно-частного партнерства в обеспечении «зеленого» роста региональной экономики // Горизонты экономики. 2015. №5 (24). С. 38–43.